

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 04/01

20 Январь 2022 йил

Самарканд шахри

**ORELMEDE МЧЖ**, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи С.Мамадаминов номидан, бир томондан ва **Пастдаргом Туман СЕОМ**, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи раҳбар Ш.Мирзаева. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйдагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли килиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (маҳсулотлар) номи  | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи  | Баҳоси                        |
|---|---|---------------|------|--------|-------------------------------|
| 1 | Махсус дезенфекция кийимлари (бир марталик)<br>сифатли кобинзон COVID 19 учун | дона          | 294  | 17 000 | 4 998 000<br><b>4 998 000</b> |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **4 998 000** (Турт миллион туккиз юз туксон саккиз минг) сўмни ташқил қиласди.

1.3. Шартномада Кушимча Қиймат Солиги(ҚҚС) мавжуд эмас.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бошкармасида рўйхатта олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичida қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичida қабул қилиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли хисобварагига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 банк иш куни ичida товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб берishi шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштироқида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ҳодимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 3.1. Буюртмачининг хукуклари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларидеке бошка ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйдагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган заарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб-китобларни Ўзбекистон

Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган тартибида ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асосиз равишда қабул қиласмилик натижасида

етказилган заарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асосиз равишда қабул қиласмилик ўзбекистон

- агар товарларни етказиб бериш жараённида Етказиб берувчи шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон

425220

Республикасининг амалдаги конунчилигидан четта чиқишга йўл кўйган холларда Буюртмачининг талаби бўйича \_\_\_\_  
кун муддат ичида барча аникландиган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси  
амалдаги конунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган  
хисобланади.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни  
етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз  
муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз  
микдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу  
товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати  
тўланишини талаб килишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг  
бошка шаклларида товарлар хакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим  
этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи  
тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар  
бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан  
ортиқ бўлмаган микдорида пена тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи  
бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга  
(эталонларга) қонун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб  
оловчи (буюртмачи) товарларни кабул килиш ҳамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати,  
ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар  
товарлар хаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати,  
ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептисиз  
тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи  
сотиб оловчи (буюртмачига) кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пена  
тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган  
хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни  
товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни  
коплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки  
ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун  
етказиб берувчи сотиб оловчи (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Товарлар  
қабул килингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган холларда сотиб оловчи (буюртмачи) жарима  
ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир  
шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқкан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил  
равишида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судидা  
куриб чиқлади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур  
шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15  
февралидаги 63-сонли “Енгид бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш  
тўғрисида”ти қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ  
бажарилишидан озод этилади.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари  
билан тартибга солинади.

#### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бошкармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й.  
“31” декабригача амал қиласи.


2022 й «20» Январьдаги № 04/01-сонли шартноманинг 2-вараги

8.2. Шартноманинг амал килиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган хисобланади.

8.3. Шартноманинг амал килиши муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод килмайди

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ


|   |
|---|
| <b>Етказиб берувчи</b>  |
| <b>Ташкилот номи:</b> ORELMED МЧЖ   |
| Манзил: Самарканд ш Саттепо 150а уй 59 хона   |
| Тел.: 93-330-06-05  |
| X/P 20208000905343363001  |
| Банк номи: Invest Finance Bank АТБ Самарканд филиали  |
| СТИР коди: 308189597  |
| МФО : 01133   |
|   |
| Рахбар (директор): С. Мамадаминов<br>M. Ў. (имзо)   |

|  |
|--|
| <b>Буюртмачи</b>   |
| <b>Ташкилот номи:</b> Пастдаргом Туман СЕОМ  |
| Манзил: Пастдаргом тумани  |
| Тел.: <u>66 465 2554</u>   |
| Факс: <u>202041805</u>   |
| СТИР коди: <u>91531</u> МФО : 00014  |
| ОКОНХ: <u>91531</u> МФО : 00014  |
| Буюртмачининг Фазна шахсий хисобвараги:<br>шхр <u>1000 228691 82277074110054</u>   |
| Газначилик бўлинмаси номи:<br><u>Пастдаргом тумани</u>   |
| Ягона Газначилик хисобвараклари (ЯГХ):<br>23402000300100001010   |
| Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар Б.Б ХККМ<br>МФО : 00014   |
| Газначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919   |
|   |
| Рахбар (директор): M. Ў. (имзо)  |

Хукуқшунос \_\_\_\_\_  
Лицензия (диплом) \_\_\_\_\_  
берилган санаси: \_\_\_\_\_  
«\_\_\_\_» \_\_\_\_ 2022 й

Хукуқшунос \_\_\_\_\_  
Лицензия (диплом) \_\_\_\_\_  
берилган санаси: \_\_\_\_\_  
«\_\_\_\_» \_\_\_\_ 2022 й

2022 й «20 Январьдаги № 04/01- сонли шартноманинг З- вараги



Пастдаром Туман СЕОМ  
Бош врач: М. Мирзабеков, га  
**HUMO MED-PHARM МЧЖ**  
томонидан

## ХАРИД УЧУНТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

**HUMO MED-PHARM МЧЖ** тиббий буюмлар билан таъминлаш максадида утказиладиган танловда иштирок этиш учун танлов комиссиясига қўйдаги дори дармон воситалари буйича уз таклифимизни маълум киламиз:

| № | Товарларнинг тури  | Ўлчов бирлиги | Ҳажми | Нархи  |
|---|--|---------------|-------|--------|
| 1 | Махсус дезенфекция кийимлари (бир марталик) сифатли кобинзон COVID 19 учун | дона          | 1     | 25 000 |

Таклиф этилаётган тиббий буюмлар сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва зарур бўлгандан уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриска кафолатланади.



Етказиб берувчининг раҳбари:

Мирзабеков  
(имзо)

(Исми, фамилияси)

Холдинг  
Танлов кефирине  
22. N 12.  
22. 01. 2022.

Пастдаром Туман СЕОМ  
Бош врач: М. Мирзеков га  
ORELMED МЧЖ  
томонидан

## ХАРИД УЧУН ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

**ORELMED МЧЖ** тиббий буюмлар билан таъминлаш максадида утказиладиган танловда иштирок этиш учун танлов комиссиясига куйдаги дори дармон воситалари буйича уз таклифимизни маълум киламиз:

| № | Товарларнинг тури   | Ўлчов бирлиги | Ҳажми | Нархи  |
|---|---|---------------|-------|--------|
| 1 | Махсус дезенфекция кийимлари (бир марталик)<br>сифатли кобинзон COVID 19 учун | дона          | 1     | 17 000 |

Таклиф этилаётган тиббий буюмлар сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва зарур бўлганда уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолатланади.

Етказиб берувчининг раҳбари:



(Исми, фамилияси)



Пастдаром Туман СЕОМ  
Бош врач: Мирзабек га  
«PHARM ALLIANCE-JMP» МЧЖ  
томонидан

## ХАРИДУЧУНТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

«PHARM ALLIANCE-JMP» МЧЖ тиббий буюмлар билан таъминлаш максадида утказиладиган танловда иштирок этиш учун танлов комиссиясига кўйдаги дори дармон воситалари буйича уз таклифимизни маълум киламиз:

| № | Товарларнинг тури   | Ўлчов бирлиги | Хажми | Нархи  |
|---|---|---------------|-------|--------|
| 1 | Махсус дезенфекция кийимлари (бир марталик)<br>сифатли кобинзон COVID 19 учун | дона          | 1     | 20 000 |

Таклиф этилаётган тиббий буюмлар воситалари сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва зарур бўлганда уларни бюджет ташкилоти томонидан олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолатланади.

Ташкилот раҳбари:



(Исми, фамилияси)